

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ПАРАДИГМАСИ

Моҳира Холиқова,

“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти
бўлим бошлиғи, фалсафа доктори, доцент

**Давлатнинг қанчалик яхши ташкил этилгани
фуқароларнинг жамият муаммолари билан
шуғулланиши даражасига кўра ўлчанади.**

Жан Жак Руссо

**Табиий, ақлий ва жисмоний қобилиятлари
бир хил бўлганларнинг барчаси табиатан тенгдирлар
хамда улар тенг ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиши лозим.**

Жон Локк

**Демократия халқ учун халқ томонидан
амалга ошириладиган халқ ҳокимиятидир.**

Авраам Линкольн

“Ўзини ўзи бошқариш” парадигмасининг назарий-ҳуқуқий манбаини Шарль Монтескье, Жон Локк¹, Жон Милль, Жан Руссо, Иммануил Кант, Алексис де Токвиль², Карл Гербер, Жак Гийом Туре, Рудольф Гнейст, Томас Гоббс, Лоренц Штейн, Пауль Лабанд таълимотларида акс этган “ижтимоий шартнома”, “эркин жамоа” ғоя ва концепциялари ташкил этади.

Инглиз сиёсатшуноси, педагоги, файласуфи **Жон Локк** инсон табиий эркинликларга эгаллигини шундай асослайди: **“табиий, ақлий ва жисмоний қобилиятлари бир хил бўлганларнинг барчаси табиатан тенгдирлар ва улар тенг ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиши лозим”**.³

Томас Гоббс, Джон Локк ва Жан Руссо каби мутафаккирлар томонидан талқин этилган “ижтимоий шартнома” концепциясида фуқароларнинг мулк ҳуқуқи ва хавфсизлигини ёки жамият неъматларининг тақсимот тенглигини ўрнатиш учун яхши ёки ҳатто зарур меъёр ҳисобланиши таклиф этилади.

¹ Джон Локк. Два трактата о правлении // Локк Дж. Соч.: В 3 т. Т. 3. М., 1988. С. 159.

² Алексис де Токвиль. Демократия в Америке. Москва. «Прогресс». 1992 г.

³ Джон Локк. Два трактата о правлении // Локк Дж. Соч.: В 3 т. Т. 3. М., 1988. С. 188.

Эркин жамоа назарияси апологетлари (Э. Мейер, О. Лабанд, О. Ресслер, К. Гербер) жамиятнинг ўз ишларини бошқариш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари каби табиий ва ажралмасдир, жамият давлатга нисбатан бирламчи ҳисобланади, дея таъкидлайдилар.



Европа классик фалсафасининг асосчиларидан бири **Иммануил Кант** ҳокимиятнинг дастлабки манбаи давлат ёки ҳатто халқ эмас, балки ўзини ўзи бошқарадиган шахсларнинг ихтиёрий бирлашмаси, деган “**эркин жамоа**” концепциясини илгари суради. Мутафаккирнинг фикрича “*инсониятнинг буюк муаммоси бу умумий ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишидир. Фақат адолатли фуқаролик жамияти шароитидагина табиатнинг буюк мақсади бўлмиш инсонга олий эркинликлар тақдим этилиши ва шахснинг табиат ато этган барча фазилат ва хусусиятлари тараққий этиши мумкин*”.⁴

Генри Мейн, Йоганн Бахофен, Жон Леббок каби маҳаллий ҳуқуқий-сиёсий тизимларнинг генезиси ва эволюциясини ўрганган тадқиқотчилар ушбу тузилмалар анъана, оилавий қариндошлик, уруғчилик, элатчилик, жамоатчилик муносабатларининг маҳсули сифатида шаклланганини таъкидлайдилар. Хусусан, **Генри Мейн** қариндошлик ришталаридан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан шахс ёки жамият томонидан ўз зиммасига олган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисига, қариндошлик бўйича бирлашган гуруҳлардан сиёсий тизимларни ташкил этувчи ҳудудий гуруҳларга ўтишга оид шартнома ғоясини илгари суради.

Америка давлатчилиги асосчиларидан бири, давлат арбоби, табиий ҳуқуқлар ҳимоячиси **Томас Жефферсон** (Thomas Jefferson) томонидан 1776 йилда ёзилган АҚШнинг Мустақиллик декларацияси мамлакатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини ўрнатди.

Таниқли сиёсатшунос, давлат арбоби **Алексис де Токвиль** (Alexis de Tocqueville) XXI асрда Америкада ўзини ўзи бошқариш жараёнининг ривожланишини қуйидагича тавсифлайди: “*Барча мавжуд институтлар ва замонавий ижтимоий сиёсий тузилмалар устида уларни йўқ қилиш ёки ўз хоҳишига кўра ўзгартирадиган одамларнинг кучи – халқ ҳокимияти туради*”. А. Токвиль бошқарувнинг халқ учун самарали тамойиллари ҳақида фикр юритар экан, *демократик зояларни бошқарувга татбиқ этиш, инсонларни демократик тамойиллар асосида яшашга ўргатиш, жамиятдаги ахлоқий муҳитга эътибор бериш, фуқароларни давлат ишларига босқичма-босқич жалб қилиш, уларни бу масалалардаги тажрибасизликдан халос қилиш, онгсиз инстинктларга эмас, жамиятнинг ҳақиқий манфаатларига хизмат қилиш* кабиларни жамиятни

⁴ Иммануил Кант. Собрание сочинений. в 8 тт. Том 8. М., 1994. С.12-28.

бошқарадиган шахсларнинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг энг муҳимлари сифатида санаб ўтади.⁵

Жан Руссо қонун чиқарувчи ҳокимиятни фақат халқ амалга ошириши керак деб ҳисоблаган. Унинг фикрига кўра, “*давлатнинг қанчалик яхши ташкил этилгани фуқароларнинг жамият муаммолари билан шуғулланиши даражасига кўра ўлчанади*”. Жан Руссо ҳимоя қилган барча ижтимоий кадриятлар - *шахс суверенитети, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда фуқароларнинг шахсий иштироки, қонун олдида тенглик ва фақатгина мавжуд қобилият ва фазилатларга қараб ҳар қандай давлат лавозимидан фойдаланиш имконияти* – Европанинг янги сиёсий-ижтимоий тафаккури ва Европа конституциялари қоидаларида ўз аксини топган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш – халқнинг ўз ҳокимиятини амалга ошириш шаклларида бири, ҳокимиятнинг ўзига хос тури, фуқароларнинг жойларда давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш, давлатнинг айрим функцияларини амалга ошириш воситаси, муайян мустақилликни, маҳаллий органларнинг автономиясини ўз зиммасига оладиган бошқарувнинг марказлашмаган шакли сифатида тавсифланади. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш** - аҳоли томонидан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни мустақил ҳал қилишни, маълум бир ҳудуднинг барча аҳолиси манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муниципал бошқаришни таъминлайдиган фуқаролар фаолияти ташкилоти (органлари).⁶ Ўзини ўзи бошқариш ҳокимиятнинг қуйи бўғинларда тўпланишини англатади ва у турли кўринишларда ифодаланиши мумкин: этносда – анъаналар, одатлар орқали, давлатда - қонун орқали, тамаддунда дин орқали ва ҳ.⁷

Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалалар – маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмалари (маҳалла, муниципал тузилма) аҳолисининг ҳаёт фаолиятини тўлақонли таъминлашга оид масалалар сифатида изоҳланади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг назарий асослари 1985 йил 15 октябрда (Страсбург) қабул қилинган **Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Европа Хартиясининг**⁸ 3 – моддасида акс этган: **Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш** маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунлар доирасида, масъулияти остида ва маҳаллий аҳоли манфаатлари нуқтаи назаридан иш юритиб, давлат ишларининг муҳим қисмини тартибга солиш ва бошқариш ҳуқуқи ва реал қобилияти сифатида тушунилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи эркин, яширин, тенг, тўғридан-тўғри ва умумий сайлов ҳуқуқи билан сайланган аъзолардан ташкил топган кенгашлар ёки йиғилишлар томонидан амалга оширилади.

⁵ Алексис де Токвиль. Демократия в Америке. Москва. Прогресс. 1992 г.

⁶ Козлова Е. И. Конституционное право: учеб. для средних профессиональных учебных заведений / Е. И. Козлова, О. Е. Кутафин. — 3-е. — М.: Норма, 2007. — 592 с. — (519). — ISBN 978-5-468-00130-1.

⁷ http://lib.udsu.ru/a_ref/04_04_004.pdf.

⁸ Европейская хартия местного самоуправления. Страсбург, 15 октября 1985 г.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш Европа Хартиясида муниципал демократия ва муниципал бошқарувнинг умумий эътироф этилган кадриятлари қуйидагилардир:

1) *маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳар қандай демократик тизимнинг асосларидан биридир;*

2) *фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиши ҳуқуқи бевосита маҳаллий даражада амалга оширилиши мумкин;*

3) *ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлиги самарали ва шу билан бирга фуқаролар бошқарувиغا яқин бўлишини таъминлайди;*

4) *демократик йўл билан яратилган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари, уни амалга ошириш тартиби ва бунинг учун зарур бўлган воситалар билан боғлиқ ҳолда кенг автономияга эга бўлиши керак.*

Ўзини ўзи бошқариш тизими тегишли иқтисодий шароитларнинг мавжудлигини, давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ўртасидаги юрисдикция⁹ субъектларини ажратиб турадиган аниқ қонунчилик базасини, оммавий онг, ҳуқуқий маданият ва одамларнинг хулқ-атворининг сифат жиҳатидан ҳар хил даражасини назарда тутди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир.¹⁰

Фуқаролик ҳамжамияти - конституциявий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур оқилона усули, фуқароларга иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт шакллари эркин танлаш кафолатланадиган, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор топадиган, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланадиган ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузум. Бунда фуқаролар, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва ННТ давлат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади, давлатнинг кўпгина ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади. Давлат ҳокимияти эса мамлакатнинг умумий тараққиёт режаларини тузади, унинг стратегиясини ишлаб чиқади, мудофаа, миллий хавфсизлик, давлат мустақиллиги ва чегаралари дахлсизлигини, унинг суверенитетини таъминлаш, пул-молия, солиқ, банк сиёсати, ташқи сиёсат ва жаҳон ҳамжамияти билан алоқалар тизимини яратади, уни бошқаради.

⁹ **Юрисдикция** (lot. jurisdictio) – муайян суд ёки бошқа давлат ҳокимияти ваколатларининг чегаралари.

Юрисдикция атамаси доирасига қуйидаги тушунчалар мос келади: суд органлари ўртасида ишларни кўриб чиқиш ваколатларини чегаралаш: хусусиятига қараб (маъмурий, фуқаролик, жиноий ва б.); жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга қараб; давронинг қийматига қараб; низо тарафларининг яшаш жойи ёки жойлашган жойига қараб ва х.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-350-сон қонунининг 3-моддаси.

Фуқаролик ҳамжамияти кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма босқич ўтиш орқали рўй беради.